



**ХАЛҚАРО ХУЖЖАТЛАР МИСОЛИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ
“КОМПЛАЕНС-НАЗОРАТ” ТИЗИМИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ**

Маманов Сардоржон Собир ўғли,
*Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши
курашиш агентиги бош инспектори,
юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)*

Аннотация: Мақолада давлат ва хусусий сектор фаолиятида “комплаенс-назорат” тизимининг зарурий элементлари, БМТнинг махсус конвенция талаблари ва Европа стандартлари асосида ёритилган.

Калит сўзлар: БМТ конвенцияси, ИХТТ стандартлари, Transparency International

Давлат ва хусусий сектор фаолиятида коррупцияга қарши курашиш соҳаси, шу жумладан “комплаенс-назорат” тизимини халқаро-ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишга қаратилган қатор стандарт ва тавсиялар қабул қилинган.

Бу ўринда, давлат ва хусусий сектор иштирокчиларининг вазифаси эса ўз фаолиятини меъёрий қоидаларга мувофиқлаштириш ва самарали халқаро тажрибаларни жорий этиш ҳисобланади.

БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияси. Халқаро ҳамжамиятнинг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги энг муҳим ютуғи БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясининг (**United Nations Convention against Corruption**) қабул қилинганлиги ҳисобланади. Конвенция Бош Ассамблеянинг 2003 йил 31 октябрдаги 58/4 резолюцияси билан қабул қилинган.

БМТнинг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги конвенциянинг қабул қилиниши билан нафақат давлат идоралари, балки хусусий сектор иштирокчилари фаолиятида ҳам коррупцияга қарши курашиш чора-тадбирларини мустаҳкамлаш зарурияти халқаро даражада қатъий белгилаб қўйилди. Хусусий сектор иштирокчилари фаолиятида коррупцияга қарши курашишнинг тавсиявий чоралари мустаҳкамланди, яъни конвенциянинг **“Хусусий сектор” (12-модда), “Хусусий секторда пора эвазига оғдириш” (21-модда), “Хусусий секторда мулкнинг талон-торож қилиниши”**

(22-модда), “Миллий органлар ва хусусий сектор ўртасидаги ҳамкорлик” (39-модда) каби моддаларида коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш, олдини олишнинг профилактик чораларини амалга ошириш бўйича тавсиялар келтирилган. Ушбу превентив чоралар қаторида раҳбар ўз низомида белгиланган вазифаларга қатъий риоя этиши лозим бўлса-да, бироқ фаолиятида шахсий мулки бўлмаган ресурслардан ўз манфаатлари йўлида мақсадсиз ёки бошқа шахсларнинг фойдасига тасарруф этиши ҳамда коррупциявий мақсадларда ташкилот манфаатларига зид бўлган ҳаракатларни



содир этиши натижасида ушбу тоифадаги ҳуқуқбузарликлар юзага келишига асос бўлаётганлиги таассуфлидир.

Умуман олганда, конвенцияда ҳар қандай шаклдаги ташкилот фаолиятида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни минималлаштиришда устувор вазифалар сифатида бухгалтерия ҳисоби, молиявий ҳисобот ошкоралигини таъминлаш, бухгалтерия стандартлари, ички аудит ва уларни умумлаштирган ҳолда ички идоравий назорат механизмларини тартибга солиш билан боғлиқ чора-тадбирларни амалга ошириш зарурлиги алоҳида қайд этиб ўтилади.

Бу тоифадаги профилактик чоралар коррупциявий жиноятларни содир этиш мақсадида амалга ошириладиган ҳаракатларни таъқиқлаш ва ушбу йўналишда ҳар бир давлат ички қонунчилигида қабул қилинган норматив ҳужжатларига мос равишда ташкилотлар фаолиятини ташкил этиши лозимлигини тушуниш мумкиндир.

Фикримизча, коррупцияга қарши курашишга оид халқаро ҳужжат ҳисобланувчи мазкур конвенция ва ундаги тавсиявий талабларда ушбу халқаро ҳужжатни ратификация қилган давлатлар томонидан давлат ташкилотлари билан бир ўринда хусусий сектор иштирокчилари фаолиятида ҳам коррупцияга қарши превентив чораларни жорий этиш лозимлиги кўрсатиб ўтилади. Бунда халқаро тажрибалар асосида коррупцияга қарши курашишнинг энг самарали ва таъсирчан чораларидан бири сифатида ички идоравий назорат тизимларини ташкилот фаолиятида жорий этиш орқали уни ривожлантириш назарда тутилади. Конвенциянинг бу каби нормалари коррупцияга қарши “комплаенс-назорат” тизимини қамраб олувчи таркибий элементлар ҳисобланади. Бугунга келиб Ўзбекистоннинг коррупцияга қарши курашишдаги давлат сиёсати коррупциявий ҳолатларнинг оқибати билан эмас, балки уларни олдини олишга қаратилган превентив механизмларни жорий этишга кўпроқ устуворлик бермоқда.

Бунга яққол мисол сифатида, илк маротаба давлат ташкилотлари ва хусусий сектор иштирокчилари фаолиятида коррупцияга қарши курашишдаги асосий механизм сифатида белгиланаётган “комплаенс-назорати”ни келтириш мумкиндир.

Бу орқали, Ўзбекистонда Конвенциянинг ушбу йўналишдаги тавсиялари миллий амалиётга босқичма-босқич жорий этиб келмоқда, ушбу интеграциялашув мамлакатнинг халқаро рейтингларда устувор аҳамият касб этиши, инвестицион жозибадорликни ошириш ва инвесторларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашга хизмат қилмоқда, дейиш мумкин.

Жумладан, “**Transparency International** халқаро ташкилоти томонидан 2022 йил учун эълон қилинган “Коррупцияни қабул қилиш индекси”нинг янгиланган рейтингида Ўзбекистон 2021 йилга нисбатан **14** поғонага кўтарилиб, **180** мамлакат орасида 31 баллик натижа билан 126-ўринни эгаллади (2021 йил натижаларига кўра 140-ўринни эгаллаган эди)” [1, электрон манба].



Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ИХТТ) томонидан қабул қилинган стандарт ва тавсиялар. Коррупцияга қарши курашиш соҳасини тартибга солишга қаратилган халқаро стандартларнинг кейинги тоифаси бу Европа давлатлари аъзо бўлган Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти томонидан қабул қилинган конвенция ҳисобланади.

Шунга мувофиқ, мазкур ҳужжатлардаги коррупцияга қарши курашиш йўналишида айнан “комплаенс-назорати” тизимини ташкил этувчи асосларни қуйидаги халқаро ҳужжатлар асосида илмий таҳлил қилиб чиқиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Улардан биринчиси “Халқаро тижорат битимларида хорижий давлат амалдорларининг порахўрлигига қарши кураш тўғрисида”ги ИХТТнинг конвенцияси (**Convention**

on Combating Bribery of Foreign Public Officials in International Business Transactions) ҳисобланади. Халқаро ҳужжат мансабдор шахсларнинг коррупцияга оид ҳаракатларини олдини олиш ва коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштиришга доир қатор тавсия ва превентив чораларни ўзида акс эттиради” [2, Б. 61].

“Конвенция давлат ва хусусий сектор иштирокчилари фаолиятида коррупциявий ҳолатларнинг олдини олувчи нормалар сифатида бухгалтерия ҳисоботини юритиш устидан назорат ва ташқи аудиторлар билан боғлиқ талабларнинг акс этганлиги ва компания ўз фаолиятини ташкил этишда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида ички идоравий назорат механизмларини такомиллаштиришнинг қуйидаги тавсифлари белгиланган:

- корпоратив ахлоқ стандартларини (кодекси) ишлаб чиқиш ва қабул қилиш;
- ташкилот раҳбарияти йиллик ҳисоботларида ички назорат механизмлари фаолиятини, коррупциявий ҳолатларнинг олдини олишга оид маълумотларни акс эттирилиши;
- компанияларда юқори раҳбариятнинг ноқонуний топшириғи ёки босими остида белгиланган профессионал ва ахлоқ нормаларининг бузилишини истамайдиган шахслар томонидан бу каби коррупция ҳолатлари ҳақида хабар берилишини таъминловчи тизимларни яратиш ва фаоллаштириш, хабар берувчиларнинг (whistleblowers) ушбу жараёнда ҳуқуқларини ҳимоялашнинг аниқ кафолатларини яратиш лозимлигини белгилайди” [3, Б. 281]. Айтиш мумкинки, санаб ўтилган ушбу профилактик чораларни “комплаенс-назорат” тизимини ташкил этувчи таркибий элементлар сифатида келтириш мумкин.

Халқаро ташкилотнинг ушбу ҳужжати айнан “комплаенс-назорат” тизимининг асосий жиҳатларини ёритишга қаратилган бўлиб, унда кўпроқ хусусий сектор иштирокчилари фаолиятида коррупциявий ҳолатларни олдини олишда иқтисодий омилларга асосий эътибор қаратилади. Яъни, ташкилот фаолиятининг шаффофлигини таъминлаш мақсадида бухгалтерия назоратини кучайтириш ва тизимли равишда фаолиятни ташқи аудитдан ўтказиб боришни назарда тутди.



Шу билан бирга, ташкилот фаолиятида ходимларнинг ҳаракатларини тартибга солишга қаратилган одоб-ахлоқ қоидаларини ишлаб чиқиш ва хабар беришнинг мукаммал тизимини жорий этиш назарда тутилган бўлиб, ҳужжат асосан хусусий сектор иштирокчилари фаолиятини қамраб олишга қаратилган.

Учинчи ҳужжат, халқаро ташкилот томонидан соҳани тартибга солишга қаратилган кейинги ҳужжат бу - Коррупцияга қарши ҳамкорлик ташкилотининг 2011 йилдаги “Коррупцияга қарши курашнинг глобал принциплари. Йўриқнома” [4, Б. 73] минтақавий ҳужжати ҳисобланади.

Мазкур ҳужжатда алоҳида “порахўрлик, товламачилик, пора бериш ва олишга қарши курашиш” номли қоидалар мавжуд бўлиб, унда ташкилот фаолиятида коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олишга доир қуйидаги жиҳатлар алоҳида кўрсатилади:

1. Давлат хизматчиси ва хусусий сектор вакиллари ўртасида коррупция хавф-хатарларини чеклаш.
2. Пора бериш учун учинчи шахсларнинг кучидан фойдаланишни таъқиқлаш.
3. Маъмурий тўловларни таъқиқлаш ёки энг қуйи даражада минималлаштириш.
4. Due diligence – учинчи шахсларнинг ишончли эканлигини баҳолаш.
5. Фаолиятда коррупция хавф-хатарларини олдини олишга қаратилган “комплаенс-назорат” дастурларини ишлаб чиқиш.
6. Фаолият очиклиги ва жамоатчилик олдидаги мунтазам ҳисобдорликни таъминлаш.

Юқоридагилар асосида, раҳбариятнинг коррупцияга қарши курашишга доир шахсий намунаси (Tone at the tope), коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга нисбатан “0 (нол)” даражадаги чидамлилик маданияти (zero tolerance to corruption), фаолиятни очик ва шаффофлик асосида ташкил этиш (transparency), коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар бериш (whistleblowing policy), контрагентларнинг ишончли эканлигини баҳолаш (due diligence), “комплаенс-назорат” тузилмаси ходими (compliance officer) ушбу тамойилларни илмий нуқтаи-назардан миллий амалиётга мослаштириши лозим бўлади.



TANQIDIY NAZAR, TAHLILIY TAFAKKUR VA INNOVATION G'OYALAR



ИҚТИБОСЛАР/СНОСКИ/REFERENCES:

1. Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг расмий веб-сайти маълумоти [Электрон манба]. URL: <https://anticorruption.uz/uzc/category/news?page=10>.
2. D. Primakov Compliance practices: anti-corruption, banking compliance, sanction compliance and asset tracing) // Специальные виды комплаенса: антикоррупционный, банковский, санкционный и розыск активов. – М.: Infotropic media, 2019 [Электрон манба]. URL: <https://shop.infotropic.ru>.
3. OECD (2016) Committing to Effective Whistleblower Protection [Электрон манба]. URL: <https://www.oecd.org/corruption/anti-bribery/Committing-to-Effective-Whistleblower-Protection-Highlights.pdf>.
4. Partnering Against Corruption Initiative Global Principles for Combating corruption. World Economic Forum, May 2016 [Электрон манба]. URL: http://www3.weforum.org/docs/WEF_PACI_Global_Principles-for-Corruption.pdf.